

Ishonch

2019 йил 22 январь • сешанба • № 12 (4141)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон – Германия:

ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

21 январь куни Берлин шаҳридаги Белью саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига имзо қўйди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қорувул сафи олдида ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этаётгани билдирди.

Президентлар Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Бугунги кундаги хавф ва таҳдидлар, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда янада яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тезроқ бошлаш бўйича ёндашувлар бир хил экани тасдиқланди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар ҳам муҳокама қилинди. Мактаб таълимида самарали немис тили

нологияларидан фойдаланиш, жумладан, «Мактаблар: келажак шериклари» (PASCH) ташаббусини амалга ошириш, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш, халқларимиз ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари эътибор марказида бўлди.

Учрашув сўнггида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф билан боришини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ангела Меркель Ўзбекистон Президентининг ташрифи узоқ танаффусдан кейинги муҳим воқеа экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига катта туртки беришини таъкидлади.

– Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун қўллаб-қувватлаш борлигини кўрмоқдамиз, – деди Германия канцлери.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдириб, немис халқини жорий йил май ойида нишонланадиган Германия Федератив Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан табриклади.

Сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истикболли шериги эканини, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги, янада

юқори босқичга олиб чиқишга интилишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани қайд этилди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида Европа Иттифоқи – Марказий Осиё йўналишида ҳамда Германия – Марказий Осиё форматада муносабатларни мустаҳкамлашда давом этишларини таъкидлади.

Бўлажак учрашувда замонавий таҳдид ва хатарлар, аввало, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиқни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тез фурсатда бошлаш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида конструктив мулоқот, шунингдек, давлат бошқаруви тизимининг шаффофлигига ҳамда коррупцияга қўйиб беришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди.

Томонлар инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Ўзбекистон Президенти ташрифи арасида ўтказилган бизнес-форумда 8 миллиард евродан зиёд қийматдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани, бошқа битимлар бўйича ишлар давом этаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш бора-бора ҳамкорлик учун улкан салоҳият

мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувда асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар бўйича позициялар ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Самарали мулоқотни икки ва кўп томонлама шаклда, жумладан, нуфузли халқаро тузилмалар доирасида изчил давом эттиришга интилиш муштарак экани тасдиқланди.

Германия канцлери Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация қилиш ва жамиятни янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, кўп йиллик баҳсли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва минтақавий глобал иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича янги минтақавий сиёсатини олқишлади.

Томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аτροφ-муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ҳам кўриб чиқди. Давлатимиз раҳбари Германия ҳукумати Орол фожияси оқибатларини бартараф этишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдириб, Берлинни Орол бўйи учун кўп шериклиги асосидаги Траст фонди фаолиятида фаол иштирок этишга чақирди.

Мулоқотда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига, жумладан, Афғонистон муаммосини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилди. Бу масалани барча томонлар иштирокида, афғонлар раҳбарлигида тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

2

Янги руқн

Очиқ интервью

«Ishonch» gazetasi taхририяти янги руқн ташкил этди. «Очиқ интервью» деб номланган ушбу руқн орқали давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддиларига бугунги давр руқидан келиб чиққан ҳолда саволлар очиқ тарзда қўйланади.

Лойиҳамизнинг илк меҳмони Навоий вилояти ҳокими Қобил Турсунов.



Саволларимиз эса қўйидагича:

– Сиз катта салоҳиятга эга вилоят ҳокими ҳамда шу заминнинг фуқароси сифатида айтишчи, 2018 йилда Навоий вилоятда амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлдими?

– Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳокимларнинг мустақил қарор қабул қилиши, ташаббус кўрсатиши, жавобгарлиқни ҳис қилиши, ижтимоий ҳимояни кўпайтириши ва бундан халқни манфаатдор қилиши зарурлиги ҳақида алоҳида фикрлар бор. Шундан келиб чиққан ҳолда Сиз эртага ёки бугуннинг ўзида қандай қарор билан вилоят аҳлини хурсанд ва манфаатдор қилияпсиз?

– Вилоят раҳбарлари зиммасига 2018 йилнинг бошида саноатни ривожлантириш, фармацевтика, тиббий жиҳозлар, кимё ва нефть маҳсулотларини кўпайтириш, Зарафшон шаҳрида ишлаб чиқариш йўлга қўйиш, «Навоий» эркин иқтисодий зонасида икки йил ичида 1659 та янги иш ўрни яратиш, инвестициялар салмоғини ошириш, «Тўдақўл» сув ҳавзасида Эрон технологияси асосида йилга 5000 тонна баглиқ етиштириш каби вазифалар қўйилган эди.

Ўтган бир йилда бу топшириқлар ижроси қандай бўлди?

– Ёшларнинг чуқур билим олиши, кучли, адолатли, соғлом бўлиши, жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ барча масалаларда фаол бўлишига эришилган

бугунги куннинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалиги сифатида қаралмоқда. Бироқ бу борада Навоий вилоятида вазият мақтанарли эмас. Ишсизлик ёшлар орасида катта кўрсаткични ташкил этади. Бу муаммони ҳал этиш учун жорий йилда қандай аниқ амалий режалар бор?


– Туризм сердаромад соҳа. Вилоятнинг Қизилтепа, Учқудук, Нурота, Зарафшон, Хатирчи туманларида зиёрат ва экотуризм, Навоий шаҳрида тиббий туризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Айниқса, Нуротага зиёрат учун боришни истайдиганлар хорижда ҳам кўп. Аммо Навоий шаҳри ва Нуротани боғлайдиган (бор-йўғи битта баландликни текислаш билан боғлиқ) йўл таъмири ҳали-ҳамон битмаётгани туризм ривожига вилоятдаги эътибор даражасини кўрсатиб қўймоқда. Сиз бу ҳолатларга нима дейсиз?

– Гапнинг очиғи, вилоятда жиноятчиликка қарши курашиш масаласи оғир кечмоқда. Айниқса, Нурота тумани жиноят содир этилиши масаласида республикада биринчи ўринда эканини Президентимиз ҳам таъкидлаб ўтди. Энг ёмони, вилоятда йиллар давомида ҳал қилинмаган муаммолардан шикоятлар ҳам ортган. Ушбу масалаларда яқин вақт ичида жиддий амалий иш қилинишига фуқаролар умид қилса бўладими?

– Сир бўлмаса, 2019 йилдан нималарни кутаяпсиз? Навоийликларга қандай қутилмаган совғаларни ҳада этишни истайсиз?

Самарқанд вилояти

Ички туризм



Дунё харитасидаги янги саҳифа

Ҳамкасбларда ёрқин таассурот қолдирмоқда

Президентимиз Самарқандга ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасидаги илмий-тадқиқот маркази ва унинг ёнида жойлашган Ҳадис илми мактаби фаолияти билан ҳам яқиндан

танишиб, тегишли тавсиялар берган эди.

Илмий марказ дунё харитасида очилган янги саҳифа бўлди. Бу гўша бугун ҳар қачонгидан-да гавжум. Юрти-мизда бўй кўрсатган янги-

ликдан баҳраманд бўлишга ошиқаётган инсонлар бу маскандан ўзгача ҳузур ва ҳавловат топиб, буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд бўлишмоқда.

2

Жамоатчилик комиссиясининг Юнусобод туманидаги навбатдаги учрашувлари «Астрообод», «Адолат», «Биллур», «Қўшчинон», «Туркистон», «Катта Ҳасанбой», «Ҳасанбой», «Ҳамкоробод», «Шарқ ҳақиқати», «Тикланиш» ҳамда «Увайсий», «Юртобод», «Шоштепа», «Бободехқон» маҳаллалари аҳли билан бўлиб ўтди.

Юнусобод номига монанд бўлсин

«АСТРОБОД»ДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИМИ?

«Астрообод» маҳалласидаги 24-уйда 48 та хонадон мавжуд. Ўйдаги ошхона ва ювинчи хоналарига иссиқлик таъминоти уланмаган. Худудда электр таъминотида тез-тез узилишлар кузатилади. Маҳалладаги 2562 та хонадон учун тўртта МСП ва битта очиқ чиқинди ташлаш шохобчаси қурилган. Қўшимча МСП қурилишига эҳтиёж бор. Маҳалла фаоли

Динара Алимова Мойқўрғон кўчасида автомашиналарнинг тирбандлиги болаларнинг йўлдан ўтишини қийинлаштираётгани боис 6- ва 7-мавзёлар оралиғидаги кўчага пиёдалар ўтиш белгиси ўрнатилишида ёрдам сўраб мурожаат қилди.

«БИЛЛУР»ДА АВТОТУРАРГОҲ ҚУРИЛСА...
«Биллур» маҳалласида 10 700 метр

Жамоатчилик комиссияси

квадрат ички йўллар таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Пиёдалар ҳам, автотранспорт воситалари ҳам ҳаракатланишда қийналмоқда.

Маҳаллада яшовчи Алексей Родин 4-даҳадаги гаражлар бузиб ташланганидан сўнг аҳоли ҳалигача автомашиналарини қаерга қўйишни билмай сарсон бўлаётгани, шу масалани тезроқ ҳал этиш ва худудда автотурагоҳ қуриш кераклигини айтиб ўтди. «Биллур» маҳалласи фаоли Х.Фуломов маҳалла фуқаролар йиғини идораси учун янги бино ажратиш ва худуддаги мавжуд гаражларни бузиб, ўрнини ободонлаштириш масаласида ёрдам сўради.

2

Долзарб мавзу

Саволлар жавобини қачон топади?

«Халқ давлат органларида эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак!»

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

доим ҳам хатларга ўз вақтида ва мазмунли жавоблар олишга муваффақ бўлмаяпмиз.

Ушбу руқнда биз ОАВ жамоатчилик назорати олиб борилиши ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш каби муҳим вазифаларни амалга

ошириш учун тўсиқ бўлувчи сабабларни очиб беришга, шунингдек, масъул органларни мурожаатларимизга ўз вақтида жавоб бериш ва бу масалаларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишга чақиринишга ҳаракат қилдик.

3

Ўзбекистон – Германия: ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

«1 Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошган.

Музокарада бу кўрсаткични 1 миллиард еврога етказиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланиб, бу борадаги истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда «Дойче-банк» бўлими ташкил этилган.

Мамлакатимизда дунёга машҳур немис компаниялари билан амалга оширилган йирик лойиҳалар муваффақияти ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади. «MAN» концерни билан шерикликда замонавий юк автомобиллари, «Claus» ва «Lemken» компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникалари, «Knauf» билан қурилиш материаллари, «Deutsche Kabel» билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида «Қарши – Термиз» темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Учрашувда савдо, саноат, газ-кимё, қурилиш соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, молиявий-техник кўмак ва тажриба алмашишни кенгайтиришга қилишиб олинди.

Ташриф доирасида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари – «Siemens», «Tyssen

Krupp», «Claus», «MAN», «Knauf», «Linde», «Papenburg», «Humana», «Volkswagen» каби халқаро миқёсдаги немис концернлари билан шерикликда янги кўп миллиардлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва туристлар алмашувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд немис миллигига мансуб юртдошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортиқ ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди.

Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашинувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиз ва бир неча вилоятларда бўлимлари бўлган «Видергевурт» немис маданият маркази, «Ўзбекистон – Германия» дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатимизни кўришга қизикадиган туристлар, бизнесини йўлга қўядиган инвесторлар ва бошқаларга катта қулайлик яратди.

Ташриф доирасида иқтисодий, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларида оид ҳукуматлараро ва идоралараро 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлери сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш

каби муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши алоқалар йўлган қўйилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича «Ўзбекистон – Германия» гуруҳи, Бундестагга эса «Германия Федератив Республикаси – Марказий Осиё» гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган «йўл харитаси»га асосан парламентлараро ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

22 январь кuni Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

«1 «ҚЎШЧИНОР» ОРАСИДАГИ ТАЪМИРТАЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ишчи гуруҳнинг маълум қилишича, «Қўшчинор» маҳалласида мактабгача таълим муассасаси ва умумтаълим мактаби қуришга эҳтиёж бор. 9 қаватли 1-ўйда лифт яхши ишламайди. Бундан кекса ёшлилар чиқиш-тушишда қийналишяпти. Лифтни таъмирлаш ёки бутунлай янгисига алмаштириш зарур. Шу билан

Бундан ташқари, 327-умумтаълим мактаби ҳудудидagi ёритгичларни тузатиш, маҳаллада МТМ қуриш зарурлиги қайд этилди.

«ТУРКИСТОН»ДАГИ НОСОЗ СУВ ҚУВУРЛАРИ

«Туркистон» маҳалласида фаоллари ҳудуддаги кўп қаватли 29-, 30-, 31-, 35-, 36- ва 43-уйларнинг канализация қувурлари бир неча йиллардан буён тозаланмагани натижасида қувурлардан сув сизиб чиқаёт-

Шундан сўнг бу масала юзасидан туман давлат солик инспекцияси вакили изоҳ берди. Унга кўра мазкур ка-феда, яъни «Дилшода» МЧЖда спиртли ичимликлар савдоси барча меъёрий ҳужжатлар асосида йўлга қўйилган. Аниқроғи, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотуви билан шуғулланадиган савдо шохобчаларининг таълим муассасаларидан камида 500 метр узоқликда ташкил этилиши лозимлиги тўғриси-

Юнусобод номига монанд бўлсин

бирга, Еттичинор кўчасида 700 метрга яқин ички йўлни асфальт қилиш керак.

12-ўйда яшовчи Шахло Турсунбоева уйдан мактабга ва бошқа борадиган йўллар таъмирталбалиги, болаларнинг уст-боши ёзда чанг, ёғин-сочинда лой бўлишини айтиб, масалани ҳал этишда ёрдам сўради.

«ТИКЛАНИШ» МАҲАЛЛАСИ ҚАЧОН ТИКЛАНДИ?

Ўрганишлар давомида «Тикланиш» маҳалласида анчагина муаммолар йиғилиб қолгани аён бўлди. Жумладан, йўллар таъмирталаб, хонадонлар канализация тизими уланмаган, симёғочлар янгисига алмаштирилмаган, тунги ёритгичлар йўқ, шунингдек, ичимлик суви марказлаштирилмасдан ўтказилган кўчаларнинг узун рўйхати бор. Ҳудудда болалар ўйингоҳи ва спорт майдончаси қурилишига эҳтиёж бор. Маҳалладеги масжид қурилиши учун ҳужжатларни расмийлаштириш, Гулёр 6-тор кўча 49-уй устидан ўтган электр симларини кўча қисми бўйлаб қайта ўтказиш каби қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди.

ганидан шикоят қилишмоқда. Маҳаллада ижтимоий кўмакка муҳтож, даволашишга имконияти етмаётган фуқаролар борлиги ҳам қайд этилди.

«УВАЙСИЙ»ЛИКЛАР «АЛКАШ»ЛАРДАН БЕЗОР

«Увайсий» маҳалласидаги ўрганишлар давомида энг кўп шикоят 9- ва 11-уйлар ёнида жойлашган кафе фаолияти устидан бўлди. Сабаби кафе асосан спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланади. 9-ўйда яшовчи Ҳ.Тошниевоанинг айтишича, у ерда кеча-ю кундуз спиртли ичимлик сотилади. Болалар ва аёллар кўчадан ўтишга қўрқади, чунки доим маст одамлар билан тўла бўлади. Устига устак, мактаб билан кафенинг ораси 300 метр ҳам чиқмайди.

Ушбу шикоят бўйича Жамоатчилик комиссияси томонидан учрашув вақтидаёқ ўрганиш ишлари бошланди. Маҳалла нозири, масъул ташкилотлар вакиллари ҳамда фуқаро Ҳ.Тошниевова мавжуд вазиятга оидинлик киритиш учун кафе ва мактаб оралиги, шунингдек, кафенинг ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун жўнашти.

даги меъёрий ҳужжатда савдо дўконини ичиди спиртли ичимликларни қўйиб сотиш назарда тутилмаган.

Жамоатчилик комиссияси бу каби муаммолар ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат комиссия тузиш ва Тошкент шаҳри ҳудудида ушбу тарздаги савдо билан шуғулланаётган барча шохобчаларни ўрганиб чиқиб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича шаҳар ҳокимлигига таклиф киритди.

Коммунал уй-жой, рўйхатга қўйиш, ижтимоий ёрдам ва шу каби масалалар бўйича «Катта Ҳасанбой», «Адолат», «Ҳасанбой», «Ҳамкорбод», «Шарқ ҳақиқати», «Шоштепа», «Бободехқон» маҳаллалари фаоллари ҳам мурожаат қилишди. Ҳар бир таклиф ва шикоятни ўрганиш ва қонуний тартибда ҳал этиш юзасидан Жамоатчилик комиссияси томонидан туман ҳокимлиги ва бошқа масъул ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,

«Увайсий» маҳалласи муҳбири

ДУНЁ ХАРИТАСИДАГИ ЯНГИ САҲИФА Ҳамкасбларда ёрқин таассурот қолдирмоқда



«1 – Халқимизнинг аjoyиб нақли бор: юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, – дейди Самарқанд вилояти касабаси уюшма ташкилотлари би-рлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Бош режа асосида қайтадан қурилган Пайгоҳи туманидаги Ҳаритан қишлоғи, бу гўшада мангу кўним топган бобокалонимиз Бухорий ҳазратлари мажмуаси, унга уйғун ҳолда, ўта қисқа фурсатларда барпо этилган илмий тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби ва таниқли муҳаддис олим, юртимиз аллоамаларининг мусавфо исломининг ривожини йўлидаги саъй-ҳаракатларини ўзида муҷассам этган музей билан танишмаган инсон бу дунёдан армон билан ўтади. Ҳамкорларимиз учун ана шундай шароит яратиш мақсадида ўтган дам олиш куниди юз нафар касабаси уюшма фаоллари-нинг зиёратини ташкил этдик.


Касабаси уюшмалари вакиллари дастлаб Имом Бухорий ҳазратларининг ҳақларига дуо қилишди. Шундан сўнг ил-

мий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактабидаги шарт-шароитлар, музей фаолияти билан яқиндан танишди.

– Гапнинг очиги, иш-турмуш ташвишлари, қолаверса, масо-фаннинг бироз олислиги боис, бир муддат бу гўшада бўлмаган-дир, – дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюш-маси Нуробод тумани кенгаши раиси Эркин Абдусаломов. – Бу ерга келиб буюк бобокалонимизнинг «Ал-адаб ал муфрар» («Адаб дурдоналари»), «Ал Жомеъ ас Саҳиҳ» каби асарларидан ташқари яна бизгача етиб кел-маган 20 га яқин китоблари бор-лиги ҳақида маълумотга ҳам эга бўлдик. Илмий-тадқиқот мар-казининг дунёдаги қатор ислом олийгоҳлари билан ҳамкорлик қилиб келаётганидан хабар топ-дик. Ана шундай буюк меросга эга эканлигимиздан қалбимиз гўрурга тўлди.

Мазкур саёҳат ва ҳудуддаги улкан ўзгаришлар барчада катта таассурот қолдирди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири



«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг «Урганчтрансгаз» унитар корхонаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги истеъмолчиларга газ етказиб бериш баробарида ўзбек газини МДХ давлатларига экспорт қилиш ва туркман газининг транзитини таъминлаш бўйича давлатлараро шартномалар асосида фаолият юритади.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт кенли-гида ҳудудий жиҳатдан тарқоқ жойлашган 15 бўлинмадан ташкил топган корхонанинг касабаси уюшмаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2841 нафар касабаси уюшмаси аъзолари учун муносиб меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси, дам олиш ва саломатлигини таъминлаш доимий эътиборда.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ГАРОВИ

Ходим қачон самарали фаолият кўрсатади? Албатта, соғлом бўлса. Касабаси уюшмасининг ходимлар саломатлигини тизимли равишда мустаҳкамлаб бориш ҳақидаги таклифи иш беришни томонидан ҳам маъқулланди. Бу талаб жамоа шартномаси билан мустаҳкамланди. Натижада ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек, корхонада 10 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, пенсияга чиққан фахрийларни соғломлаштириш мақса-дида 2018 йилда республика санаторийла-рига 602 та йўлланма имтиёзли равишда ажратилди. Бу билан ишчи-ҳодимлардан 322 нафари, уларнинг оила аъзоларидан 191 нафари, пенсионерлардан 89 нафари имтиёзли соғломлаштирилди.

Албатта, болалар саломатлиги ҳам эътибордан четда эмас. Корхонага қарашли «Хива гулшани» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтган мавсумда 550 нафардан ортиқ, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 260 нафар бола соғломлаштирилди.

Саломатликни мустаҳкамлашда спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис, ишчи-ҳодимлар спорт соғломлаштириш тадбирларига мунтазам жалб қилиб келинмоқда. Буни спорт тадбирларига 27 миллион сўмга яқин маблағ ажратилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, турли байрамлар муносабати билан спорт мусобақалари мунтазам уюштирилиб борилади. Хусусан, «Урганчтрансгаз» биринчилиги учун икки босқичда спортнинг шашка, шахмат, стол тенниси, мини-футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

ДАРОМАДЛАР ОШМОҚДА

Яқинда мамлакатимизда ўртача иш ҳақи 2018 йилда 1 миллион 800 минг сўмдан тўғри келганлиги ҳақида маълум

от тарқатилди. Нимагадир буни айрим-айрим нотўғри қабул қилишди. Ўртача иш ҳақи қайси мезонлар асосида ҳисобланганини кўпчилик билмайди чоғи. Агар корхонада Жамоа шартномаси мавжуд бўлса, ходимлар қўшимча таътил, муко-фот пуллари, устама, моддий ёрдам олиш ва бошқа қатор имтиёзлардан фойдала-ниш ҳуқуқига эга бўлади. Бизнинг корхо-нада Жамоа шартномасида белгиланган

МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА унум ва барака бўлади

ишчи-ҳодимларни, уларнинг оила аъзолари-ни, аynиқса, ёшларни, аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган имтиёзлар ва барча бандларни ажроси касабаси уюшмаси томонидан мунтазам назорат қилиб боришмоқда. Кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишига эришилиши натижасида 2018 йил давомида ўртача иш ҳақи миқдори 2,5 миллион сўмдан ошди.

ЭҲТИЁЖМАНДАРГА КЎМАК

Қанча иш ҳақи олиншидан қатъи назар, ходим бошига айрим ташвишлар ту-шиши, саломатлигини тиклаш, фарзандига қийим-бош ёки ўқув қуроллари олишда, оиласидаги кам-қўстни тўрилашда қий-налиши мумкин. Бундай ҳолатларда ка-сабаси уюшмаси доимий кўмакдош. Ўтган йили корхона касабаси уюшмаси томонидан 162 нафар ёрдамга муҳтож оила вакилла-рига 27 миллион сўмга яқин моддий ёр-дам ажратилди.

ИШЧАНЛИК КАЙФИЯТИГА ҚУВВАТ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни бел-гилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги ва ички туризмни ривожлан-тириш тўғрисидаги фармон ва қарорла-рига мувофиқ узайтирилган байрам кун-лари корхона ишчи-ҳодимларининг бўш

вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида корхона ишчи-ҳодимларидан 104 нафари, фахрийлардан 25 нафари учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди.

МУҲОФАЗАЛАНГАН МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Корхона тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни қучайти-риш, ишлаб чиқариш маданиятини юк-салтириш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши усти-дан жамоатчилик назоратини амалга оши-ришда ҳам муайян ишлар амалга оширил-моқда. Маъмурият ва касабаси уюшмаси кўни-таси ўртасида Меҳнат муҳофазаси бўйича

МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА унум ва барака бўлади

2018 йил учун 66 та тадбирни ўз ичига ол-ган ва уларни бажариш учун 187,6 мил-лион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутил-ган Келишув имзоланган эди. Самаралии фаолият натижасида унинг ижроси тўлиқ таъминланди. Корхона бўлиналарида сайланган Меҳнат муҳофазаси вакилла-рининг 30 нафари корхонага қарашли ўқув марказида ўқитилиб, уларга махсус гувоҳ-номалар топширилди.

Бу борада амалга оширилган ишларни узоқ санашга ҳоҷат йўқ. Корхонамиз меҳнат муҳофазаси маблағи бошлиғи Собиржон Бо-зоровёе Ўзбекистон касабаси уюшмалари Фе-дерацияси томонидан «Энг яхши меҳнат муҳофазаси мутахассиси» деб эътироф этилгани бу борада қилинаётган самарали ишларнинг муносиб баҳосидир.

САХОВАТДА ҲИҚМАТ КЎП

Корхона томонидан нафақат ходимлар қўллаб-қувватланмоқда, балки иқтисодий фойда эвазига бошқаларга ҳам ёрдам қўла-ри чўзилмоқда. Бу борадаги ишлар 2018 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Хусу-сан, корхонага тегишли кўп қаватли маъ-мурий бино турар жой хонадонларига мослаштирилиб, тўлиқ таъмирланди ва 13 та кам таъминланган оиллага бегараз бе-рилди. 5 та хонадон корхона ходимларига белгиланган тартибда ажратилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида

Фаолиятга назар

ишлар қизғин кетаётган Оқдарбанд қиш-лоғи ҳудудиди болалар учун майдонча ташкил қилинди. Ушбу қишлоқ болалари учун Касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобидан китоблар, футболкалар ва волейбол тўпи совға қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси-нинг Қорақалпоғистон ва Жасик пос-ёлкаларида олиб борилган «Обод қиш-лоқ» дастури асосидаги қурилиш-таъ-мирлаш, ободонлаштириш ишларида ҳам ҳамкасбларимиз фаол иштирок этди.

Йил давомида «Ҳеч ким эътибордан четда қолмасин» шиори остида бир қатор тадбир-лар амалга оширилди. Жумладан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни ва 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кўни муноса-бати билан ногирон фарзанди бор ишчи-хо-димларга моддий ёрдам кўрсатилди.

«SOS Ўзбекистон болалар маҳалла-лари» уюшмасининг Урганч шаҳридаги филиалида ҳисобда турадиган 40 нафар бола корхонага қарашли «Хива гулшани» оромгоҳида бепул соғломлаштирилди.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Узоқ йиллар ишлаб, соҳа ривожига му-носиб ҳисса қўшган, бугунги кунда пенсияда бўлган 500 нафардан зиёд фахрийларга ҳар ойда корхона ҳисобидан қўшимча пенсия тўланмоқда. Қишқи мавсумга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 400 нафарга яқин пенсионерга энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорига бир мартали моддий ёрдам ажратилди.

Корхонада ишлаб пенсияга чиққан, ҳо-зирда ижтимоий ҳимояга муҳтож пенси-онерларнинг 100 нафарига Мустақиллик байрами яна 100 нафарига Янги йил бай-рами арафасида бепул озиқ-овқат маҳсу-лотлари ажратилиб, уларнинг ҳолидан ха-бар олинди.

Янги йил байрами кунларида Хоразм вилоят мусиқали ва драма театрида иш-чи-ҳодимлар фарзандлари ҳамда «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюш-масининг Урганч шаҳридаги филиа-лида ҳисобда турадиган 74 нафар бола учун байрам ташкил қилинган ва совга-лар ажратилди. Қорақалпоғистон Респу-бликасидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам совгалари тақдим этилди.

Йилни хайрли ишлар билан бош-ладик. Жамоамизнинг кайфияти ишчан-лик руҳида. Янгича ғайрат-шижоат билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга камарбаста бўлишга интило-моқдамиз.

Равшанбек ЭШЧАНОВ,

«Урганчтрансгаз» унитар

корхонаси касабаси уюш-

маси қўмитаси раиси

41 ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ БАЗА

Таҳлилимизни бошлашдан аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ислохотларнинг самарасини ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва динамик ривожланиши, барча соҳаларнинг модернизацияси ва либерализациясига йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжатдаги бешта устувор йўналишларнинг биринчиси давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар асосида ОАВнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича чоралари кўрилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларига тааллуқли ахборотни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасини Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Зеро, бундан буён оммавий ахборот воситалари аҳоли эҳтиёжларини ҳокимият органларига етказишнинг таъсирчан дастаги, халқнинг яқин кўмакчиси, демократиянинг кўзгуси бўлиши лозим. Фаолиятнинг асосий йўналиши эса ҳокимият ва бошқарув органлари ишининг танқидий ва хо-

Кейинги икки йил давомида мурожаатларга муносабатларнинг тубдан ўзгариши натижасида халқимиз ўз ҳаёти мисолида давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар ва жамият олдида масъулияти борлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Шубҳасиз, бу Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида кўзда тутилган фуқаролар мурожаатлари билан тизимли ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича вазифаларни ҳал қилишни таъминлашнинг амалдаги натижасидир.

лис баҳоси, турли соҳалардаги долзарб муаммолар, камчиликларни аниқлаш ва ёритиш бўлмоғи керак.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИ

Ушбу жараёнда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу қонун ахборотлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган. Бу йўналишда ишларни истиқболда ривожлантириш мақсадида мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилган эди. Кенгаш ишлаб чиққан услуб ва қоидалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторинги юритилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишининг ҳақиқий очиқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш механизмлари ва дастакларини такомиллаштириш борасида жамоатчилик назорати алоҳида эътиборга эга.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 32-моддасида ақс этган бўлиб, унга кўра, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.

«Ҳаракатлар стратегияси»да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш чоралари назарда тутилган. Бундан ташқари, 2017 йил

Саволлар жавобини қачон топади?

8 сентябрдаги Президент Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясида ҳам ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларининг асосий сабаби жамоатчилик назоратининг заиф механизмлари, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги қайд этилган.

2018 йил 12 апрелда Президентимиз «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни имзолади. Таъкидлаб ўтаман — қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Айтиш жоизки, одатда жамоатчилик назорати махсус малака талаб қилувчи касбий, тизимли, махсус назорат ҳисобланмайди. Бинобарин, бу ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга назорат эмас.

Қонунга кўра, жамоатчилик назоратини фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари амалга ошириши мумкин.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назорати субъектлари жамоатчилик назоратини амалга оширишда тadbирларни ташкил қилиш, шунингдек, уларда қатнашиш,



белгиланган тартибда юқори органларга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга норозилик хатини ёзиш ва жамоатчилик назорати натижаларини ошкор қилиши мумкин.

ОАВ ҳам тadbирларни ташкил қилишда ташаббус кўрсатиш, тегишли давлат органларига сўровлар жўнатиш ва жамоатчилик назорати натижаларига бўйича ваколатли органларга тақлиф ва тавсиялар юборади. Мазкур материал айти шундай тавсиялардан бўлиб, улар қарорлар қабул қилиниши учун тегишли инстанцияларга жўнатилади.

Энди, келинг, жамоатчилик назорати шакллари аниқлаб оламиз. Улар қуйилганлардир: мурожаат ва сўровлар, давлат органларининг очик йиғилишларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик тинглови, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш.

Бундан келиб чиқадики, оммавий ахборот воситалари ҳар қандай фуқаро каби тегишли мурожаат ва сўровларни жўнатиш, шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси ва мониторингини ўтказиш ҳуқуқига эга. Энди эса диққат-эътиборингизни газетхонларимиз – мамлакатимиз фуқароларининг мурожаатларига қаратамиз.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

Маълумки, мурожаат фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан биридир. Уларни ўрганиб, халқнинг кайфияти, турмуш шароити, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати билан танишиш мум-

кин. Моҳиятан бу жуда қулай усул. Шу тарика давлат органлари у ёки бу муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича тайёр йўналиш ва тавсиялар олиши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги икки йил давомида мурожаатларга муносабатларнинг тубдан ўзгариши натижасида халқимиз ўз ҳаёти мисолида давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар ва жамият олдида масъулияти борлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Шубҳасиз, бу Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида кўзда тутилган фуқаролар мурожаатлари билан тизимли ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича, вазифаларни ҳал қилишни таъминлашнинг амалдаги натижасидир.

Эслатиб ўтаман, ушбу фармонга мувофиқ ишлаб чиқилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун матбуотда

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларни тинглай олиш, уларга ёрдам бера билиш – раҳбарларнинг асосий вазифасидир. Табиийки, қандайдир муаммога дуч келган инсон, шубҳасиз, уни кимгадир айтишни истайди. Агар бундай вақтда сизни эътибор билан эшитишса, мурожаатингизга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишса, яхши гаплар билан тасалли беришса, албатта енгил тортасиз. Тўғри маслаҳатлар туфайли одамда келгусида муаммо ҳал қилинишига бўлган ишонч мустаҳкамланади. Яна кимдир ёрдам қўлини қўзиб турса, инсон ўзини бахтли ҳис қилади.

2017 йилнинг 12 сентябрь куни эълон қилинди ва кучга кирди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ янги тахрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларни тинглаш, уларга ёрдам бера олиш – раҳбарларнинг асосий вазифасидир. Табиийки, қандайдир муаммога дуч келган инсон, шубҳасиз, уни кимгадир айтишни истайди. Агар бундай вақтда сизни эътибор билан эшитишса, мурожаатингизга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишса, яхши гаплар билан тасалли беришса, албатта, енгил тортасиз. Тўғри маслаҳатлар туфайли одамда келгусида муаммо ҳал қилинишига бўлган ишонч мустаҳкамланади. Яна кимдир ёрдам қўлини қўзиб турса, инсон ўзини бахтли ҳис қилади.

ТЎСИҚЛАР, БЮРОКРАТИЯ, ЭЪТИБОРСИЗЛИК

«Жавоб кутаётган саволлар» руқни айти шун мақсадда ташкил қилинган эди. Мақсадимиз – аҳоли ва давлат органлари ўртасида кўприк, халқнинг ўзига хос минбари бўлиш.

Шу билан биргаликда, афсус билан тан олиш керакки, барча давлат органлари ҳам давлатимиз раҳбарининг эзгу ғоясини чуқур ҳис қилмаяпти, деб айта олмаيمиз. Ҳамон фуқароларнинг мурожаатларига бепарво муносабатда бўлиш, жавоб беришга ошиқмаслик ёки куруқ ва чала жавоблар жўнатиш ҳоллари давом этиб келмоқда.

Эслатиб ўтаман: «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги

тахриридаги 28-моддасида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига аниқлик киритилган. Унга кўра, «ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан исетино тарикасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади».

Яъни, қонун бўйича давлат органи мурожаатларга 15, максимум 30 кун ичида жавоб бериши, агар ундан кўпроқ муддат талаб қилинса,

ларини, аслида, фаолиятига нисбатан кўпроқ саволлар туғилувчи вазирлик, идора ва маҳаллий ҳукумат органлари эътиборсиз қолдириши, аиниқса, таассуфлидир.

Аниқ далил сифатида айтадиган бўлсак, жавоб бермайдиганлар рўйхатида Тошкент шаҳри ҳокимияти ва Халқ таълими вазирлиги «лидер»лик қилмоқда.

Бундан ташқари, қуйида келтирилган идора ва ташкилотлар ҳам мурожаатларга жавоб йўллашмаган: Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари, «Ўзстандарт» агентлиги, Тошкент вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси, «Ўзтемирйўловчи» АЖ, «Халқ банки» АТБ, «Менинг юртим» телеканали, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, «Beeline» мобил оператори.

Мурожаатлар ортида бир эмас, балки юзлаб, минглаб одамларнинг тақдири турибди. Қолаверса, уларда жамият ҳаёти ўз аксини топади.

Мисол учун айтадиган бўлсак, «Ishonch» газетасида чоп этилган ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилган М.Тўрабоевнинг «Мақтаб ўқувчиси қандай овқатланган?» мақоласини олайлик. Материалда гап юз минглаб ўсиб келаётган авлод вакиллари манфаати ҳақида борапти-ку, ахир!

Ўтган йил Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўплаб танқидий материалга жавоб бермади. Ҳолбуки, биргина «Гап фақат сотиш ва пул топишдими?» номли мурожаатда кўтарилган мавзу – пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган ер остидаги автотутаргоҳга тегишли муаммолар қайд этилган эди. Афсуски, бу муаммо ханузгача бартараф этилгани йўқ. Шаҳар ҳокимияти эса бу масалага бефарқ муносабатда. Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари мамлакатни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини кўтариш учун бор кучини сарфлаётган, раҳбарларни «Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун» тамойилига асосланиб ҳаракат қилишга чақираётган бир пайтда айрим ҳокимият ва бошқарув вакиллари ўзларининг ҳаракатсизлиги билан халқнинг умид-истакларини рўёбга қачиришга қаратилган кенг қўлмали ислохотларнинг амалга оширилишини ва янгиланишларни секинлаштиришмоқда. Табиий савол туғилади: оммавий ахборот воситаларининг сазй-ҳаракатлари эътиборсиз қолдирилаётган бўлса, бу йўналишдаги ишлар қачон ўнгланади?


НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Баён этилганларни инобатга олган ҳолда, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида амалдаги қонунчиликни кўриб чиқиш, шунингдек, жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Барча вазирлик, идора, ташкилот ва муассасаларни мурожаатлар билан ишлаш масаласига масъулиятлироқ ёндашишга чақирамиз!

Бунинг учун балки давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тамойиллари оқиб берилишига қаратилган даража бати форматдаги семинар ташкил қилиш керакдир? Қолаверса, жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида иборат ҳокимиятнинг юқори органларига тўғридан-тўғри сўров бериш ва тегишли инстанцияларга чора кўриш учун бериладиган тегишли протоколларни тайёрлаш ваколатига эга давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қоллегиал орган ташкил қилиш масала ечимига хизмат қилар...

Дарвоқе, ҳозирча тахририят йўланган ушбу мурожаатни юзага келган ҳолатнинг ўзгаришига умид қилган ҳолда Олий Мажлис ва Бош Прокуратурага жўнатишга қарор қилди.



Китоб одамни тарбиялайди, фикрлашга, ҳаётга, одамларга меҳр-у муҳаббат қўйишга ўргатади. Эҳтимол, шу боис ҳам буюкларимиз унга инсон камолотининг қаноти сифатида қарашган.

Болагимизда қишлоғимизда чоғроққина кутубхона бўларди. Синфдошларим билан ҳар кун и дарсдан сўнг ўша ерга боришни қанда қилмасдик. Адабиёт ўқитувчимиз айнан шу одати билан бизни алқар, бу эса бизга хуш ёқарди. Рағбатимизни, иштиёқимизни оширарди. Ким нимани ўқигани, асар мазмуни ҳақида таллашиб-тортишиш асноси оддийгина синфхона эртақлардаги қасрга айланиб кетарди, гўё... Албатта, бу китобнинг, мутоланинг сехри кучи эди.

Уша кезларда инсонда катталарга хурмат, кичикка иззат, эртанги кунга ишонч, эзгулик, одамийлик каби туйғулар мутоллаа жараёнида шаклланишини англаётганмиз. Кўп ўтмай, негадир кутубхона ёпилди. Биз китоблардан узилдик. Шаҳардан олис тоғлар орасидаги қишлоғимизда ҳафтада бир марта бўладиган бозорга китоб келмас, келса ҳам битта-иккита олди-қочди, енгил-елпи детектив асарлар пештахтада бўй кўрсатарди.

Бу орада фаҳш ва жиноятчиликни, машхур хонанданинг кимга турмушга чиққани-ю ажрашгани ёки унинг дабдабали тўйини тарғиб қилувчи сарик матбуот газета дўконлари пештахталарини эгаллади. Халқимиз, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёшлар онгидида маънавий бўшлиқни секин-асталик билан тўлдирди. Энг қизиғи, кўпчилик бу нашрларнинг «келгуси сонини интиқлик билан кутадиган бўлди. Бундай «ижод» намуналари билан сугорилиб, улғайган авлод ҳақиқий, теран мушоҳада юритишга ундайдиган асарларни қабул қилиши қийин кечишини эса мана бугун кўриб, шоҳиди бўлиб турибмиз.

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯ КОЭФФИЦИЕНТИ 0 ГА ТЕНГ!

Китоб дўконларида ёшларимизнинг камнамоллиги, мутоллаа қилмаслик турли кўринишдаги кўнгилсизликка йўл очмаяптимикин, деб ўйлаб қоласан киши.

Шу ўринда бадий асарларнинг нархи қиммат, дўконлар отнинг калласидек нарх қўйиб сотади, дегувчилар ҳам ора-мизда топилади. Бундай тушунчада юрганларга асл ҳолатни кўрсатишни мақсад қилиб, мақолани қоралаш чоғида «Шарқ зикёри» ва «Китоб олами» дўконларида бўлдик. Бу ерда сотувчиларни ҳисобга олмаганда, деярли ҳеч ким йўқ. Беихтиёр турли адабиётларнинг нархи билан нашриётлардаги баҳосини солиштирдик.

Фафур ғулом номидаги нашриётда чоп этилган Абдуссид Қўчмоннинг «Бинафша» китобининг нашриёт баҳоси 21 минг 563 сўм, «Шарқ зикё

кори» китоблар дўконда 23 минг 500 сўм, Луқмон Бўрихоннинг «Титраётган тоғлар»и 15 минг сўм, дўконда 16 минг сўм, «Энг сара Америка ҳикоялари» 22 минг 450 сўм, дўконда 24 минг. Неймат Аминовнинг «Қаҳқаҳаси 35 минг 450 сўм, дўконда 38 минг. Усмон Азимнинг «Танланган асарлар»и 1-жилди 32 минг 250 сўм, дўконда 35 минг, Хушид Дўстмуҳаммаднинг «Ёлғизим Сиз»и 19 минг 500 сўм, дўконда 21 минг. Қўриб

турганингиздек, нархларда унчалик тафовут йўқ. Фақатгина «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»нинг нашриёт баҳоси 8-, 9-, 10-жилдлари 26 минг 757 сўм, 63 минг 750 сўм, 56 минг 250 сўм бўлса, дўконда 40 минг, 65 минг, 65 минг бўлиб, шу каби баъзи китоблар нархи озгина юқорилиги қайд этилганини айтмаганда, нархлар у қадар кишини қамқайди. «Ўқитувчи» нашриётида П.Козловнинг «Алкимёсар»и 7 минг 400 сўм, «Китоб олами»да 10 минг 989 сўм, Уткир Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари» 9 минг 500 сўм, дўконда 11 минг 880 сўм. Бу каби ҳисобни узоқ давом эттириш мумкин. Достоевскийнинг «Иблис»и 1 ва 2 қисми нашриётда 14 минг 900 сўм ва 14 минг 200 сўмни ташкил этса, дўконда 22 минг 127 сўм ва 21 минг 087 сўм.

Кўриниб турибдики, айни кунларда битта тушликнинг пулига бемалол бир ё иккита асар харид қилса бўлади. Қиммат дейишга асос йўқ. Лекин бир аччиқ ҳақиқат ҳам, афсуски, бор. Имконияти борларнинг китоб ўқишга хоҳиши йўқ, хоҳиши борларнинг эса... Шу ўринда халқимизнинг бирова ош, бироваги иштаҳа, деган мақоли ёдга тушади.

Кўпчилик ота-оналар фарзанди ўйнаб-кулиши учун қўлидан келганини қилади. Ўзи емай едиради, киймай кийдиради. Айтган нарсасини олиб беради, тенгқурлари ўртасида кўнгли ўксимасин

деб, айтганини муҳайё қилади. Бундайлар ўз фарзандининг бугунини тўкин қилиб, эртасига лоқайд муносабатда бўлаётганини англаб етмаяпти, назаримизда.

—Биолог олимларнинг айтишича, бола 12 ёшга тўлгунга қадар онаси билан аураси (биомайдони) умумий бўлади. Онанинг таъби болани тарбиялайди, — дейди филология фанлари номзоди Мухайё Исмоилова. — Фарзандини мутоллаага қизиқтириш унинг қўлида. Кичиклигидан ибратли эртақлар таъсирида ўсган болада мутоллаага эҳтиёж катта бўлади. Айнан шунинг учун ҳам бўлгуси оналар тарбиясига алоҳида эътибор бериш даркор. Зотан, тарбиясиз тарбиянинг коэффици-

Мулоҳаза

мамлакат ривожига муҳим ўрин тутади. Биз ҳавас қиладиган мамлакатларнинг барчасида шундай вазият ҳукмрон, — дейди «Академнашр» нашриёти бош директори Санжар Назар. — Кун и кеча нашриётимизнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бир хабар қўйилди. Норвегияда чоп этилган ҳар бир китобдан 1000 (агар болалар адабиёти бўлса 1500) нусхаси давлат томонидан харид қилинади ва китоблар мамлакатнинг барча ҳудудидидаги кутубхоналарга тақсимлаб, тарқатиларкан. Бу мамлакатда аҳоли сони олти миллионга яқини ташкил этади. Агар нашриётимизда чоп этилган ҳар бир китобнинг 1000 нусхаси сотилиши



монимиз яшайдиган кўчадаги кутубхоналарда, у қатнайдиган боғчада катталар томонидан ўқиб берилган. Биз мактабга чиқаётган боламизнинг 100 дон китобни ўқиб тугатишини орзу ҳам қилмаймиз, тўғрими?! Ачинарлиси ҳам — шу.

— Яқинда Лондондаги «EURASIAN CREATIVE GUILD» нашриёти вице-президенти Марк Ахмеджанов билан учрашиб қолдим, — дейди «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири ўринбосари Носиржон Жўраев. — Уларда реал савдо деган гап бор экан. Бу дегани, масалан, бирор шоир ёки ёзувчининг асарини ўзи билан шартнома тузмасдан туриб, синов учун 500 ёки 1000 нусхада босиб қўришаркан. Агар сотилиши яхши бўлса, шартнома тузиб, қайта-қайта нашр этиб боришаркан. Ҳар бир қайта нашр учун ўрнатилган тартибда муаллиф ёки унинг ворисига гонорар тўлашаркан. Агар асар яхши сотилмаса, муаллифга китобининг савдоси яхши натижа бермагани ҳақида хабар беришаркан. Европа давлатлари, АҚШда синовдан ўтган бу тартиб бизга ҳам секин-секин кириб келяпти. Лекин айни пайтдаги ҳолат ўзини унчалик оқламаётгани барчага аён ҳақиқат. Нашриёт ўзининг ҳисобидан чиқарадиган бўлса, бирданга асосий нусхада чоп этилиб, муаллифга қалам ҳақи ҳам тўланади. Муаллиф ҳисобидан чикса, одамлар қўлига етказиш унинг иши бўлиб қоляпти. Умуман, ҳар икки жиҳатда ҳам китоб дунёга келгандан кейинги жараён, яъни унинг сотилиши, ўз ўқувчисини топиши анча мураккаб жараён.

Шу ўринда китобни тарқатиш тизими изчиллик касб этса, давлат томонидан имтиёз берилиб, сара асарлар энг катта майдон бўлган телекран орқали бепул реклама қилиб борилса, китобни уйга етказиб бериш хизмати йўлга қўйилса, ҳатто чекка ҳудудлардаги ҳар бир қишлоқда ҳам кутубхоналар, китоб дўконлари ишлаб турса, беш минг эмас, эллик минг нусхада чоп этилган асарлар ўз эгасини албатта топади, деган ширин хаёлгина кишига таскин беради.

Бундай китобларни ўқиган ўқувчилар билан адабиёт дарслари ҳам қизгин ўтади. Китоб билан дўст тутинган бола эса ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Унинг мурғак кўнглида эзгулик куртак очади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Акс-садо

Мен – Ўзбекистон фарзандиман!

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Фақирлик»дан «беклик»ка ўтиш фурсати етма-дими?» мақоласини ўқиб, кўп вақтдан буён излаган қадрдонимни топгандек қувониб кетдим. Нега дейсизми? Чунки мустақиллик шабадаси эса бошлаган даврданоқ «граждани» сўзи ўрнига муносиб сўз излайман. Агар билдирмоқчи бўлган фикрларим кимгадир малол келса, мен фақирни кечирishiга умид қиламан.

дай сўзлар битилган экан: «Сен дунёда ғарибдек ёки мусофирдек яшагил, фақир Алишер». Навоий бобомиз узукларига битилган шу сўзларга умри давомида ҳайратланарли даражада қатъий амал қилган. Тарихчи Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» китобида ёзилишича: «Ҳеч қачон ул Ҳазратнинг хазинасида йил давомида закот бериш вожиб бўларли микдордаги маблағ тўплагиб турмасди. Чунки мулозимларнинг қўлига нимаики тушса, тезда кишиларга инъом бериш йўли билан сарф қилинар ёки хайрли бинолар барпо қилишга кетарди».

Шундай ҳикмат ва ибратдан кейин кўз олди-мизда «фақир» сўзининг иккинчи «камтарлик» маъноси ярқ этиб намоён бўлди. Таниқли болқор адиби Қайсин Қулиевнинг «Қиш эди...» романини таржима қилаётганимда, ундаги қуйидаги сўзлар диққатимни тортганди: «Камтарлик айрилмас ҳамроҳинг бўлсин. Ижодкорга калондимоеғлик ва такаббурлик ёт нарсаси». Дарҳақиқат, камтарлик инсонни ҳам, миллатни ҳам улуғлайди. Шу ўринда доғишманд халқимизнинг «ўзга юртда подшо бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўл» деган ҳикмати ёдга тушади. Уни бугунги даврга «таржима» қилсак, қуйидагича бўлади: «Хорижда миллилардер бўлгандан кўра, Ўзбекистонда фақир бўл». Улуғларни улуғлаган шундай фақирлик – камтарлик ҳар биримизга насиб этсин.

Машхур авар шоири Расул Ҳамзатов ёзади: «Бола туғилаётганда ўзига Ватан танламайди, пешонасига

ёзилган жойда дунёга келади. Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган». Она болаларини яхши-ёмонга ажратмай бирдек эр-калаганидай, Она Ўзбекистонимиз ҳам заминимизда истиқомат қилаётган 140 дан ортқ миллат вакиллари-га тенг меҳр кўрсатиб келяпти. Шоир таъкидлаганидай, улар ҳам пешонасига ёзилган Она Ўзбекистонни севиб ардоқлашяпти.

Биз «фуқаро» сўзига муқобил сўз излар эканмиз, ҳамфйкр дўстларимиз, муҳими, барчамизнинг ниятимиз пок: яхши сўз топиш!

Ҳазрат Навоий ниятимизни аввалдан англагандай ёзганлар:

*Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр бўлур поклар ҳиммати.*

Устоз Қайсин Қулиев мушкулумизни осон қилиш учун йўл кўрсатадилар: «Ҳақиқатнинг буюклиги унинг оддийлигидадир». Расул Ҳамзатов ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди: «Буюклиkning замини оддийликда». Балки биз ҳам жуда оддий кўринган «фарзанди» сўзида тўхталаримиз. Чунки бу сўз «ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИ» тарзида ёзилганда улуғворлик касб этади ва юртимизда яшаётган барча миллат вакиллари қалбларида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ахир, биз ҳаммамиз Она Ўзбекистон фарзандларимиз. Она билан фахрланиш эса ҳар бир миллат вакиллари-га хос фазилатдир.

Албатта, бу мавзуда узоқ тўлиб-тошиб ёзишим

мумкин. Умидим шуки, дилимдаги гапларимни сизга шёрым айтади.

*Буюк аждодлар дилрозиман,
Эзод замондош овозиман,
Ворис авлодлар ҳамрозиман,
Мен – азим шажар бир бандиман,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

*Ҳар қарич ерим зар, тиллодир,
Оқар суварим Сирдарёдир,
Жаннат баёлари хушхаводир,
Мен – Самарқанд, Шош, Ҳўқандиман,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

*Имом Бухорий китобиман,
Пешво Хоразмий ҳисобиман,
Ҳазрат Навоий китобиман,
Мен – шим-мърифат маҳзаманан,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

*Бизга муаллим доғишманд Шарқ,
Эй, чумолидай меҳнаткаш халқ,
Ҳур замон келди, оёққа қолқ,
Мен – асаларим бол-қандиман,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

*Энди қадримдай баланд бўйим,
«Лазги», «Дилихорж» тинлар қуйим,
Қарнай-сурнайёсз ўтмас тўйим,
Мен – ширин ишқнинг дарбандиман,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

*Мен – Темур бобом сарбозиман,
Мен – мустақиллик шаҳбозиман!
Мен – бахтиёрлар парвозиман,
Мен – Ўзбек, марда мард, таптиман,
Мен – Ўзбекистон фарзандиман!*

Асрор МЎМИН,
шоир ва таржумон,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Буюклардан ўрганамиз

Фикр уйғоқ бўлсин

Китоб ўқишда гап кўп. Қачон, қарерда ва кимнинг ёзганидан қатъи назар зўр фикрга дуч келсак, ўрнимиздан туриб кетамиз. Қувонарлиси шуки, бундай зарбали фикрлар бизнинг адабиётимизда кўп бўлган. Ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлишига шубҳа йўқ. Келинг, бу борада буюк адаби-миз Абдулла Қаҳҳорнинг доно фикр ва ўғитларига эътибор қилайлик. Бу бит-тиклар инсониятни фақат эзгуликка, адолатга, олдинга интилишга ва чуқур ҳаётий мушоҳадаларга чорлайди.

**Қандай гапириш
эмас, нимани гапириш
муҳимлигини унут-
манг.**

**Тирикчилик тошни
ёради.**

**Баъзан индамаслик
индагандан ҳам ёмон
таъсирга эа бўлади.**

**Фикр учини йўниб
керакли жойга қоқиш
керак.**

**Танаси бақувват
даракхт қарсиллаб
йиқилади.**

**Иллатни чимчилаб
эмас, таги билан қўпо-
риб олиш керак.**

**Тўқилгандиқ том-
чилигани ёмон.**

**Узоқдаги кишна-
шар, яқиндаги тишла-
шар.**

**Хазинага кирган му-
шук барбир зарга қа-
рамайди ва сичқон ов-
лайди.**

**Ёмон одам тирик-
нинг ёғини, ўликнинг
тирноғини ейди.**

**Эчкининг ўлгуси
келса, қўпоннинг но-
нини ейди.**

Нормурад МУСОМОВ
тўплади




Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси хо-димлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва ҳудудий бирлашган касаба уюшмаси кўмиталари Ташкент вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Жаҳонгир Аликуловга волидаи муҳтарамаси

Роза

АМАНБАЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўжуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги ангиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
бан код: 00959, ГТІР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-91) 537-61-76
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Қоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов

Навбатчи:

А. Абдулғайнов

Мусаҳҳиҳ:

С. Шодиёева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷалилов

ЎЗА яқини – **02:15**

Топширилди – **04:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табак. Буортма Г – 117. 29010 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133